



Impressions of London (Inomjon Khidiraliev's participation in Anglo-Soviet negotiations)

Bakhtiyor ALIMOV¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023
Received in revised form
15 May 2023
Accepted 25 May 2023
Available online
15 June 2023

Keywords:

Turkestan,
Khidiraliev,
conference,
London,
newspaper.

ABSTRACT

This article focuses on the socio-political and diplomatic activities of I. Khidiraliev, a well-known state, and public figure, skilled diplomat, as well as I. Khidiraliev's participation in the London conference as a member of the Soviet delegation and coverage of this political process in the periodical press.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp144-148>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Лондон таассуротлари (Иномжон Хидиралиевнинг Англия-совет музокараларидаги иштироки)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Туркистон,
Хидиралиев,
конференция,
Лондон,
газета.

Ушбу мақолада таниқли давлат ва жамоат арбоби, моҳир дипломат И. Хидиралиевнинг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик фаолиятига, шунингдек, И. Хидиралиевнинг совет делегацияси таркибида Лондон конференциясидаги иштироки ва бу сиёсий жараёни даврий матбуотда ёритилиши масалаларига эътибор қаратилган.

Лондонские впечатления (Участие Иномжана Хидиралиева на англо-советских переговорах)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Туркестан,
Хидиралиев,

В данной статье обращено внимание на общественно-политическую и дипломатическую деятельность известного государственного и общественного деятеля,

¹ Researcher, Repression Victims Memorial Museum, Andijan State University.

конференция,
Лондон,
газета.

опытного дипломата Иномжана Хидиралиева, также на его участие в составе советской делегации в Лондонской конференции и вопросы освещения этого процесса в периодической печати.

Туркистон тарихига, кейинчалик бу минтақада ташкил этилган собиқ советлар давлатига қарам бўлган республикалар ўтмишига назар ташлар эканмиз, миллий ўлкаларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти тарихида кўплаб фидоий фарзандларининг тутган ўрни ва мавқеи беқиёс бўлган. Шундай шахслардан бири, Туркистон ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаган жамоат ва давлат арбоби Иномжон Хидиралиевдир. Ўз сиёсий фаолиятини анча эрта бошлаган Иномжон Хидиралиев 1919 йилда Туркистон коммунистик партияси сафига қабул қилинганда йигирма саккиз баҳорни қарши олган эди. Тез орада ўзининг шижоаткорлиги билан совет ҳукуматининг давлат ва жамоат бошқарув тизимларида юқори поғоналарга кўтарилди бошлади. 1920 йилнинг май ойидан бошлаб Фарғона вилояти партия кўмитасининг биринчи котиби лавозимига тайинланади [1-25].

1921–1922 йилларда Туркистон АССР ер-сув ишлари комиссари, 1922–1924 йилларда Туркистон МИК раиси сифатида фаолият олиб боради. Туркистонда миллий давлат чегараланиши сиёсати амалга оширилгунига қадар Туркистон АССРнинг Москвадаги ҳуқуқли вакили лавозимларида фаолият юритган. Иномжон Хидиралиев совет делегацияси таркибида Лондонда ташкил этилган (1924 йил апрел-август ойлари) совет-Англия конференциясида иштирок этади.

1924 йилнинг 23 март кунги газета нашрларида РКП (б) Марказий Кўмитаси Сиёсий бюросининг Буюк Британия ҳукумати билан музокара олиб бориш учун Х.Раковский бошчилигидаги Совет ҳукуматининг делегацияси таркиби эълон қилинган. Унинг таркибига (М.М.Литвинов – СССР ташқи ишлар халқ комиссарлиги вакили, М.Радченко – Донецк губернияси касаба уюшмаси комитети раиси, Н.Шверник – СССР ишчи-деҳқон халқ комиссарлиги инспектори, М.Преображенский – молия ишлари халқ комиссарлигидан, М.Томский – бутуниттифоқ касаба уюшмалари комитети раиси, А.Шейнман – СССР марказий банки директори, И.Кутузов- тўқимачилар касаба уюшмаси раиси, Ф.Ротштейн – ташқи ишлар халқ комиссарлиги вакили, И.Житков – рус христиан черкови вакили, Б.Стомоньянов – СССРнинг Германиядаги савдо палатаси вакили, И.Хидиралиев – Туркистон МИК вакили) киритилган эди [2-576].

Сиёсий бюро, шахсан Сталин томонидан тасдиқланган делегация таркиби турли соҳа вакиллари билан иборат бўлган. Бундан Иномжон Хидиралиевнинг ўрин олганлиги Сталинни ушбу ўзбек дипломатига муносабатини ижобий эканлигининг нишонасидир. Совет вакиллари 1924 йил 9 апрелда Лондонга етиб келишади. Уларни Англиянинг расмий кишилари, Ташқи ишлар вазирлиги, рус департаменти директори Григорий ва совет вакиллари Берзин, Гитнерлар кутиб оладилар. 11 апрелда совет ва чет эл матбуотида СССР делегацияси аъзоларининг рўйхати ва суратлари эълон қилинади. Унда И.Хидиралиев СССР ва Туркистон АССР Марказий Ижроқўми аъзоси, РСФСР Ер ишлари федерал кўмитаси президиуми аъзоси сифатида делегация таркибига киритилганлиги қайд этилганди [3-58].

Англиянинг йирик нашри – “Таймс”нинг 11 апрель сониди “Англия-совет конференцияси” ҳақида хабар эълон қилинган. Унда большевиклар вакиллари Лондоннинг Ланкастер-Гейт районидаги “Албания” меҳмонхонасида жойлашгани айтилиб, совет вакиллари И. Хидиралиев, М. Преображенский, М. Томский, М. Радченко ва Англия расмий кишиларининг биргаликда тушган сурати босилган. Ғарб матбуотида совет вакиллари таржимаи ҳолидан айрим лавҳалар берилган. “Таймс” газетаси И. Хидиралиевнинг совет делегацияси таркибига киритилиши большевикларнинг навбатдаги айёрлигидир, бу билан улар Англияда СССРдаги миллий масалани мақташни, тарғиб этишни мақсад қилган, деб ёзади. Лондонда чиқадиган маҳаллий консерватив газеталардан бири И. Хидиралиевнинг суратини ҳам чоп этиб, унинг Лондонга келиши яхши, аммо у Совет Иттифоқида советлар ҳокимияти мусулмонларга ваҳшийларча муносабатда бўлаётганлигини ҳеч кимга айта олмаслиги ёмондир, деб ёзган эди [4-59]. Ушбу ташриф ўндан ортиқ инглиз нашрларида турли номлар остида мақолалар билан ёритиб борилган. Жумладан, “Birmingham Gazette” (Бирмингем газетте)нинг 1924 йил 15 апрелдаги сонининг бош саҳифасида “Россиялик кишилар” расми мақола берилган бўлиб, унда қайд этилишича, Лондондаги инглиз-рус конференцияси вакиллари кеча тонгда ўзлари турган меҳмонхонани тарк этиб, Ташқи ишлар вазирлиги офисига йўл олганлиги акс этган. Туркистонлик вакил Жаноб Хидиралиев (салла кийган ҳолатида), унинг олдида Донецк кончилар касабаси уюшмасининг раҳбари жаноб Радченко тасвирланган эди [5-1]. Бу хабар кўпгина хорижий мамлакатлар газеталарида ҳам берилган эди.

Париждаги “Последние новости” газетаси 1924 йил 29 апрель сониди “Халат Хидыр-Алиева” номли мана бу хабарни чоп этган:

“Туркестан, как известно, не является самостоятельным членом СССР, а входит автономной частью в РСФСР. Поэтому нахождение в составе советской делегации “представителя Туркестана”, в то время как там отсутствуют национальные представители Белоруссии и Закавказской Советской Федерации, с юридической точки зрения бессмыслица.

Приезд туркестанца Хидыр-Алиева в Англию имеет единственной целью произвести эффект агитации: смотрите, мол, индусы, мусульманскому Туркестану при советском режиме предоставлено право участия в международных переговорах. А вам?

С этой же показательно-агитационной целью нарядили Хидыр-Алиева в туземный костюм. Там, у себя в Туркестане, Хидыр-Алиевы, желая подчеркнуть советскую победу над старым бытом, щеголяют в пиджаках европейского покроя...

Это переодевание напоказ невольно напоминает мне карикатуру ташкентского юмористического журнала “Мюштюм”. Представлена старая мусульманская школа, откуда по обучению дети выходят с ослиными ушами и в халате, напоминающем тот, что теперь надели на Хидыр-Алиева. Внизу надпись: “Вот какими выпускают”. Рядом – школа нового европейского типа, откуда дети выходят настоящими людьми и в пиджаках. Тут же соответствующая надпись... Хидыр-Алиев, может быть, и хороший туркестанец, но большевики заставили его сыграть роль, далеко не соответствующую ни настоящему положению Туркестана, ни его собственному личному достоинству” [6-509].

Инглиз газеталарида совет вакиллари орасида мусулмон, ўзбек бўлгани, унинг расми босиб чиқарилиши Буюк Британиядаги бир қанча Шарқ мамлакатлари дипломатлари, журналистлари, Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди муфтийси ва имомларини қизиқтириб қолган. Бу ҳақида И.Хидиралиев “Лондон таассуротлари” номли рус тилида эълон қилинган мақоласида баён этган [7-1,2 б].

Учрашувлар чоғида Мисрнинг “Нил водийси” газетаси вакили Муҳаммад Нажиб билан ҳам Иномжон Хидиралиевнинг мусоҳабаси уюштирилган. Бу ҳолатни мухбир куйидагича тасвирлаган: Лондон. 4 май. Мен кеча собиқ Туркистон Республикаси раҳбари ва рус делегациясининг мусулмон аъзоси Инъом ибн Ҳизр билан учрашиш учун у ҳозирда яшаб турган Албоний меҳмонхонасига бордим. Бу меҳмонхона ўртамиёна меҳмонхоналардан бўлиб, Ланкисоджит (لانكيسادجيت) маҳалласида жойлашган. Инъом ибн Ҳизр мени кўтаринки руҳда кутиб олди. У қирқ-эллик ёшлар атрофида бўлиб (бу вақтда Хидиралиев 33 ёшда бўлган эди-Б.А), бўйи узун, кўзлари кўк, соқоллари қалин, сочи тим қора киши эди. Инъом ибн Ҳизр биринчи жаҳон урушида (Хидиралиев Кронштадт исёнини бостириш жараёнида иштирок этганида бир оёғидан яраланган эди, бу хизматлари учун “Қизил Байроқ” ордени билан мукофотланган – Б.А) бир оёғидан ажраган бўлса-да, унда саломатлик ва қувват белгилари билиниб турар эди. У Лондонга келган вақтда шарқона либосда эди. Бу ҳақида мен аввалги мақоламда маълумот берган эдим. Ҳозир эса европача оддий қора костюм кийиб олган [8-3-4 б]. Бу суҳбат давомида Иномжон Хидиралиев томонидан совет республикалари ҳаётини ва мусулмонлар аҳволини объектив тарзда тўлиқ тасвирлаб берганлиги Нажиб учун бутун бир кашфиёт бўлган. Мухбир бу суҳбатни Совет Туркистонидagi ўзгаришлар руҳи остида катта мақола ҳолида, Мисрнинг “Нил водийси” газетхонлари ҳукмига ҳеч қандай ўзгаришсиз ҳавола этиш ниятида эканлигини айтади [9-63].

Дарҳақиқат, Муҳаммад Нажиб ўз ваъдасига мувофиқ, “Нил водийси” газетасининг бир қанча сонларида И.Хидиралиев билан олиб борилган суҳбатни, шу билан биргаликда Иномжон Хидиралиевнинг “Туркистондаги ҳолат: Ўтмиши ва бугунги куни” номли мақоласини ҳам эълон қилади [10-1,3].

Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида, Англия матбуоти архиви ва Миср араб республикаси миллий кутубхоналарида сақланаётган, қарийб бир асрлик тарихга эга бўлган, юртдошимиз Иномжон Хидиралиев номи зикр этилган бу газеталарни нусхаларини олишга муваффақ бўлдик. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Ас-Сисини таклифига биноан 2023 йилнинг 20-21 февраль кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасига борган кунларига тўғри келганлиги биз учун қувонарли ҳол бўлди [11-1].

Туркистон ҳукумат раҳбари ҳақидаги воқеликларни ўзида мужассам этган машҳур “Вади Эн Нил” (Нил водийси) газетаси ҳозирда Қоҳирадаги китоблар ва миллий васиқалар кутубхонасининг даврийт залида сақланмоқда.

“Нил водийси” газетаси саҳифаларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва унинг ўтмиши масалаларига кенг тўхталиб ўтилган.

Иномжон Хидиралиев бу тарихий Лондон конференцияси ишида фаол иштирок этган. Конференциянинг тарихийлиги шундаки, уни якунида инглиз ҳукумати томонидан 1924 йилнинг август ойидаги қўшма келишувлардан сўнг

советлар давлатини расман тан олади ва дипломатик алоқалар ўрнатади. Бу ишда юртдошимиз, давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиевнинг ҳам беқиёс ҳиссаси бордир.

Иномжон Хидиралиев ўша ҳаяжонли Лондон воқеаларини умрининг охиригача унутмасдан фахр билан эслаб юрди. Совет делегацияси вакиллари Лондондан “Деру люфт” жамияти самолётида Смоленск шаҳрига келадилар. Қўниш чоғида аэропортда ҳалокат рўй беришига оз қолади. Лекин учувчининг чаққонлиги ва сезгирлиги туфайли қурбонлар бўлмайди. Делегация аъзолари бу ердан поездда Москвага ошиқадилар[12-67].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўз юртига қайтган Иномжон Хидиралиев яна қайноқ меҳнат фаолиятини давом эттиради. Юртимизнинг бошқа шонли фарзандлари қатори, унга ҳам ишониб топширилган барча партия, давлат ва жамоат вазифаларини сидқидилдан бажариб, ўзининг сиёсий фаоллиги билан (ўлимига қадар, 1928 йил 31 декабрь) Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида жонбозлик кўрсатади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Р.Т. Шамсутдинов, Жасоратга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон. 1992 й.
2. Чернявский.Г.И. Жизненный путь Христиана Раковского. М.2014 г.
3. Р.Т Шамсутдинов, Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев ҳаётига чизгилар. Т. “Akademnasr” 2022 й.
4. Р.Т.Шамсутдинов, Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев ҳаётига чизгилар. Т. “Akademnasr” 2022 й.
5. Birmingham Gazette. “THE MEN FROM RUSSIYA” 15 april 1924.
6. Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. – Алматы, 2012. Т.2
7. “Туркестанская правда” газетаси. “Из лондонских впечатлений” 1924 й. 12 август.
8. “Води ан-Нил” (1867 йилдан чиқа бошлаган Мисрнинг кундалик ижтимоий-оммабоп газетаси, 1924 йил 14,16 май.
9. Р.Т.Шамсутдинов, Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев ҳаётига чизгилар. Т. “Akademnasr” 2022 й.
10. “Води ан-Нил” газетаси, 1924 йил 14,16 май.
11. www.president.uz. расмий сайти.
12. Р.Т.Шамсутдинов. Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев ҳаётига чизгилар. Т. “Akademnasr” 2022 й.